



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ  
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда кўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши қўшимча шартларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси қарор қиласи:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда кўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши қўшимча шартлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси мазкур коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг моҳияти ва аҳамияти хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

Адлия вазири

Тошкент ш.,  
2021 йил “12” ноябрь,  
11/9691-сон

Коррупцияга қарши курашиш  
агентлиги директори

Тошкент ш.,  
2021 йил “12” ноябрь,  
01-1917284-сон

Савдо-саноат палатаси раиси

Тошкент ш.,  
2021 йил “12” ноябрь,  
7/01-08-9544-сон

Р. Давлетов

А. Бурханов

А. Иқрамов

Аддия вазирлиги, Коррупцияга қарши  
курашиш агентлігі ва Савдо-саноат  
палатасынинг 2021 йил 12 ноябрдаги 1/4671,  
01-19/7284, 7/01-08-9544-сон қарорига  
**ИЛОВА**

**Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар  
тузишда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган  
коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир қилмастикка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдинй олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Ҳар бир тараф шартнома тўзилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вაъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устуниклар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосята (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиши, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа туодаги устуниликса эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан

унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай шул маблағлари ёки бошқа мол-мұлкнинг асл хусусиятини, манбани, турған жойини, тасарруф этиш, күчириш усулини, шул маблағларига ёки бошқа мол-мұлкка бұлған ҳақиций әғалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилігіни ящиришга;

в) коррупцияға оид хукуқбүзарлық сөдир қилиш учун табмагирлик қилиш, ундаш, тазийк үтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бүйінча бир тараф иккінчі тарафның ҳамда ваколатты давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва үтказищда, битимлар түзиш бүйінча мұзокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсағ этиш хусусиятига әга бұлған хұжжаттарни олишда ёки уларнинг манбағларини күзілаб бошқа ҳаракаттарни амалға оширувчи тарафларнинг назорати остида бұлған ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларға (шу жумпадан, ердамни пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қылувчи бошқа вакилларға) нисбатан қуийдеги ҳаракаттарни амалға ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларға йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалға ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан қелиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасидан амалға оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалға оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг назорати остида бұлған ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилғанлиги холатлари ҳақида хабар берилғанлиги учун уларга тазийк үтказилмаслигини кафолаттайдилар.

7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияға қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига, йўл қўйғанлиги маълум бўлиб қолса, иккінчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалға оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккінчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараФ қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиши натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тұхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишига ҳақли.